





1998 йил — Ойла ёйла



Одамийлик сабоқлари

ЭР КИШИ БЎЛСАНГ...

Азиз биродарлар, шу кунларда аёлларимиз ҳақида жуда кўп фикр-мулоҳазалар билдирилмоқда. Айрим аёллар оилани, эрни, бола-чақани ташлаб шахарма-шахар юриб тижорат ишлари билан юрмоқдалар. Очиғи, шундай бўлишига биз эркаклар ҳам айбдоримиз. Улар топиб келган бойлик ҳалолми-ҳаромми демай, суриштирмай истеъмол қилмоқдамиз. Шу кунларда юз бераётган оилаларни туполонлар, куйди-чиқдилар ва бошқа турмуш муаммоларининг кўп сабаблари бор. Бунга икки тараф ҳам ўз вазифасини тула-туқис бажармаганлиги сабаб бўлаётди, деб уйлайман. Биз эркаклар оила бошлигимиз. Шунинг учун ҳам бизга катта масъулият юклатилган. Бу вазифаларни қонун ҳам одамийлик сифатлари ҳам, диний ақидалар ҳам, ҳаёт тарзи ҳам тақозо этади. Зеро, эр оила аъзоларининг бахтли, тинч-тотув, садоқатли, аҳил бўлишига жавобгардир. Барчаларингиз ўз қўл ости-тингиздаги аҳли аёлнинг олдида масъулдир-сизлар, дейилади Ҳади си шарифда. Демак, эрнинг вазифаларидан бири аҳли аёлнинг ҳақларини тула адо қилишдан иборатдир. Яъни уни доим етарли ризқ-рўз билан таъминлаши зарурдир. Бошқа бир ҳадисда шундай дейилган: «Хотинингиз оғзинга тутган лўқмада ҳам сен учун савоб бор» дейилади. Энг муҳими эса ҳалол топиб, ҳалол егишдир. «Тенг еганинг тенг суйибди» деганлариники, эр ўзи еган оқватдан аҳли аёлга ҳам едир. Баъзи бир эркаклар оиладаги аёлларнинг еб-ичишлари билан ишлари бўлмай, улфатчиликда овқатнинг сарасини еб юрадидилар. Бундай эрлар ўз бурчларини унутиб қўйган ҳисобланадилар. Эр кишининг яна бир вазифаси аҳли аёлни кийим-кечак ва чиройли

зеб-зийнатлар билан таъминлашдир. Агар эр мутасил хотинига нисбатан баҳиллик қилса, унинг рухсатисиз ҳам хотин киши узига керагини олса бўлади. Аҳли аёлга одоб-ахлоқ ургатиш ҳам эрнинг вазифасидандир. Агар хотиндан баъзан одобсизликлар, хатоликлар ўтса эр яхшилик билан тушунтирмоғи лозим. Агар икки тараф ҳам бир-бирига яхши муносабатда бўлмаса, бу турмушга путур етиши, оила бўзилиши мумкин. Куръони Каримда «хотинларингиз билан аҳилликда яшанг, агар уларни ёқтирмасангиз шоядки, сизга ёқмаган нарсангиз ордидан Аллоҳ кўп яхшиликларни раво куради» дейилади. Ҳақиқатдан ҳам мусулмон эр ўз хотинидан баъзи хатолар утганида уни кечиради. Унга лутф билан муомала қилади. Яъни Куръони Каримда айтилганидек, «Улар (хотинлар) сизлар учун лимбосдир. Сиз улар учун лимбосдирсиз». Ривоятлардан бирида ноилоҳ ажрашишга мажбур бўлган эрдан хотинининг айбини сурашганда, «бировнинг айбини сураб нима қиласизлар. Агар мен у билан қайта ярашиб кетсам ўз хотинимнинг айбини бировларга фош қилган бўлман. Ярашмасам бегона бир аёлнинг айбини ошкор қилган бўлман, у ҳам, бу ҳам ододдан эмас» деган экан. Демак, ажрашган тақдирда ҳам бир-бирининг айбини фош қилмаслик керак экан. Пайғамбаримиз Мухаммад САВ «Хулқи яхши мўминимони комил мўминдир». Хотинларига яхши бўлганлар сизларнинг энг яхшиларингиздир» деганлар. Демак, хотинига яхши муомалада бўлиш, ман-ман бўлмаслик, саодатни фақат ўзи учун ахтармаслик аҳли расо эркакнинг асосий сифатларидандир. Хотинига яхшилик қилишини турларидан бири имкон топилганда унга совғалар тақдим қилиб туриш дейилган. Совға муҳаббат рамзидир ва шу билан бирга қалбадаги ги-

наларни ҳам унуттириб бормоқда. Маълумки, инсон доим гузалликни ёқтиради, бу айниқса, аёлларга хос. Ақли расо эр хотинига қуркам қуришига уринади. Чунки ўзи ҳам доим аёлнинг гузал, саранжом-сарашта бўлишини ёқтиради. Улкан саҳобалардан бири Абдуллоҳ ибн Аббос «Хотиним мен учун узини-зийнатлагандек мен ҳам хотиним учун узимни зийнатлайман» деганлар. Албатта зийнатнинг ҳам чегараси, меъёри бор, ундан чиқиб кетилса ҳам бўлмайди. Ҳақиқий эр ҳеч вақт хотинини эътиборсиз қолдирмайди. Баъзилар ўзи қизиққан нарсаларга ҳаддан ташқари берилиб кетиб, аёлларини эсдан чиқариб қўядилар. Бу яхши эмас. Хотинга бўлган муҳаббатни сездириш учун эр ширинсухан бўлиб, унинг сузларига қўлоқ солиб ҳам-фикр эканлигини изҳор қилиб турмоғи ҳам керак. Агар аёл киши овқат пиширган бўлса, янги кийим кийса, турмуш урғоғи ўз хурсандчилигини қандай муносабатда эканлигини билдириб қўйиши даркор ва қолверса уй ишларига ҳам ёрдамлашиб турмоғи лозим. Пайғамбаримиз ҳам аҳли аёли хизматда бўлиб, уй ишларига ёрдам берганлар ва умматларига ҳам шундай қилишликни буюрганлар. Оила бошлиғи эканмиз, бизларга юклатилган масъулиятини ҳар доим ҳис этиб турайдик. Аллоҳ олдида ҳам, аҳли аёлнинг олдида ҳам юзимиз ёрғубулсин. Айниқса, 1998 йили оила йили деб, эълон қилиниши вазифаларимизни янада кучайтиради. Биз эркаклар ҳам оиланинг мустақам, тинч-тотув ҳар томонлама мукамал бўлишига жон-диқимиз билан тиришайлик. Чунки оилалар йиғилиб жамиятнинг ташкил қилади. Ҳаммаимизга Аллоҳ мададкор бўлсин!

Жума маърузаси асосида ШОМАХМУД тайёрлади



Норхол Курбонова Пахтачи туманида ҳалол ва фидокорона меҳнати билан эл хурматини қозonganлардан саналади. Онахон ўз фарзандларини ҳам ҳалол ишлаб яшашига ўргатиб келаётди. Суратда: Норхол Курбонова келини ва набираси билан.

Yaxshi do'stlar (ertak)

Bor ekan da yo'q ekan, yashil o'rmonda bir kichik Ayiqcha bor ekan. U juda chiroyli, xuddi o'yinchoqqa o'xshar ekan. Uning eng yaqin do'sti Olmaxon bo'lib, ular juda ahl ekanlar. Bir kuni Olmaxon do'sti Ayiqchani o'rmondan qidirib topa olmandi. Shundan so'g'h Olmaxon nima qilarini bilmay xafa Shu payt bir kaltakesak unga: bo'lib, ko'p yig'labdi. Olmaxon huzuriga kelib: — Ayiqchani ovchilar tutib qishloqqa olib ketishdi, mana ishonmasang, u erga qara, ularning mayasa ustidagi katta-katta oyoq izlari, — debdi. Olmaxon yig'lashdan to'tab, ovchilarning uyi tomon yo'l olibdi va qishloqqa etib kelibdi, u qarasa, do'sti Ayiqcha ovchilarning molxonasida qamalib yotgan ekan. Uni ovchilar molxonaga qamab qo'yib, o'zlar uyda o'tirib maza qilib bemalol ovqatlanayotgan ekanlar. Bu holni ko'rgan Olmaxon ovchilarga sezdirmasdan darrov molxonaning tomiga chiqibdi va molxonaning iziga tomon tuyunuk ozibdi. Tuyunukdan molxonaning iziga qo'yush nuri tushibdi, uni ko'rgan Ayiqcha shiftga qarabdi. Va u erda turgan do'sti Olmaxonni ko'ribdi. Ayiqcha bir amallab tomga chiqib olishda harakat qilgan ekan, do'sti Olmaxonuni tortib olibdi. Ayiqcha xursand bo'lib: — Yaxshi do'st do'stingiz boshiga kulfat tushganda sinalar ekan, — deya Olmaxonga ko'p rahmatlar aytibdi. Ikki do'st juda-juda quvonishib, o'r-monga chopib ketishibgi.

Anora Allaeva tayyorladi.

Бу - қизиқ ЯВАЛИКЛАР ТҲЙИ

Ҳар бир халқнинг туй маросимлари турличадир. Гузал Ява оролларида сақланиб қолган оқсуяклар хонадонларда ҳалигача давом этаётган анъанавий туй маросимлари ўзиде қадимий қадриятларни мужассамлаштирган. Анъанага қура, даставвал қувватура келин 99 грамм микдорда олтин эмбиси (қуйма олтин), зийнатланган Куръони Карим китоби ва дуолар мажмуасини тортиқ этади. Бу Ислон динига эътиқод қўйган яваликларнинг Алдоҳга бўлган меҳр-муҳаббатларини акс эттиради. Бу шоҳона маросим эса, муҳаббат рамзини билдиради. Сунтра қуввирора юриб боради-да, оғи билан товук туҳумини босади. Келинчак эса шу заҳоти қуввининг ифлос бўлган оғини тоғорада ювиши лозим. Яваликлар таъбири билан айтганда, маъжур одат икки қалб рипшасининг бир-бирига боғланиши ва садоқати рамзидир. Яна ажойиб удум шундаки, еш келин-қувв уйида тиз чуққанларига, еру-биродарларидан келирин сурашади. Бу қилган гуноҳларидан покланиш маъносини ифода қилади. Ниҳоят, келин ва қувв бир-бирининг қўлидан тлом сийни билан туй маросимнинг расм-русумлари ўз поғинига етади.

Уқувчи маслаҳати

Агар сиз болалар организмизни кучли бўлишини истасангиз бунингиз уй шароитида бажаришингиз мумкин. Бунинг учун 0,5 литрлик термосга 1 ош қошиқда наъматак мевасини соласиз. Устига қайнаб турган сув қуясиз. Дамлама бир кеча туради, наъматак сув татиға чуққак, доқадан ўтказиб, эрталаб наҳор-да болангизга берасиз.

МАЙИЗДАН ДОРИ ДАРМОН

Дамлама овқатдан олдин, яъни оч қоринга ичилади. Бу муложа бир кунда уч марта такрорланади. Дамлама 1/2 стакандан берилади. Болалар қўлинича ширин дориларни ичинди-хуш қурадилар. Эндиги тавсия қилмоқчи бўлган доримиз болалар хоҳишидаги дорилардан ҳисобланади.

Ота-оналар бурчаги ТАРБИЯДА САБОТ КЕРАК

Ешларни комил инсон бўлиб воёга етишлари йулида ота-боболаримиз қўллаган усулларнинг бари халқ педагогикасида ўз аксини толган. Болаларни меҳнатсевар, ватанпарвар каби умуминсоний қадриятлар билан тарбиялаш ҳали өзүв пайдо бўлмасидан илгари шаклланган. Илгор тарбиявий гоьлар ешларни ақлий ва жисмоний жиҳатдан етуқ, маърифатли, билим ва хунар эгаси бўлиб етишишига замин яратган. Оиланинг тинч тотув яшати, миллий урф одат ва анъаналарга садоқатли бўлиши, фарзандни баркамол инсон қилиб тарбиялаш халқ педагогикасининг муҳим муаммоларидан саналади. Маълумки тарбия боланинг гудақлиғидан-она қоринидаёқ бошланади, Фарзанд туғилгач, унга муносиб исм танланади. Тарбия ана шу исмдан бошланади. Фарзандга исм қўйилгач, у алла билан йўғрилади. Оилада бош тарбиячиси бўлган она кечалари уйқуни тарқ этиб, бешик тебратлади, алла айтиб мурғак бола онгига, жисмига унинг номини сингдиради. Қалбига ором бағишлади. Халқ педагогикасида фарзанднинг қай даражада камол топиши аввало оилада ота онанинг, бобо ва бувининг, ака-сингилларнинг узаро муносабатлари муҳим аҳамиятга эгадир. Халқимизнинг «Кўш ўсида қурганини қилади» нақлида олам-олам маъно бор. Болани уриб-қарғаб эмас балки хушмуомилалик билан тарбиялаган маъқул. Бундан, албатта болани асло ўз холига ташлаб қўйилсин, деган маъно англашилмаслиги лозим. Айниқса, зарар билан фойдани ажрата ололмайдиган усмирларни назоратсиз қолдириш хатодир. Қаттиққўллик билан юмшоқлик орасидаги меъёрни билиш тарбия таъсирчанлигини таъминлайди. Оилада ота-онадан ташқари бобо ва бувилар, қариндош-уруғлар тарбияси ҳам фарзанд учун муҳим аҳамиятга эга. Улар яхши насихатлари ва уғитлари билан болаларни тарбиялашга катта ҳисса қўишган, халқ педагогикаси ҳазинасини бойитишган. Бобо ва бувилар бола тарбиясида ота-оналар олдида қуйидаги талабларни қўишади: — фарзанд тили чиқиси биланок сузлашиш одобини, саломлашини ургатиши жоиз; — фарзандлар мурғак қалбини зуравонлик, манманлик каби иллатлардан сақлашга эътиборли бўлишлари зарур; — болани яхши ишларга қизиқтириб, унинг ёнида ёмон қилиқлардан сақланиш, одоб, тарбияга зид сузларни гапирмасликлари лозим; — болани ҳеч кимга ёмонлик қилмасликка, бошқаларга қўлдан келганича яхшилик қилишга ургатиш, унинг кунлига раҳм-шавқат туйғуларини солишида ҳиммат қўриштишлари керак; — яхши хулқни эгаллаган болани ўз даражасига яраша мукофотлаш ва унинг ақсига бўлган болани эса жазолаш тарбиянинг неғизидир. Мукофот учун ширин сузлар билан уларни мақташ, севган нарсаларига эриштириш зарур; — бола болалигини қилмасдан қўймайди. Катта ва кичик бўлмағур ишларни қилиб қўяди. Албатта бола йул қўйган камчилигини тезда бартараф этиши мушкул. Хатоси ва гуноҳини аста ва вақтида тузатиш бунда саботли бўлишлари талаб этилади. Оқоридигилардан қўринадики, бола тарбияси муҳим ва мураккаб жараёндир. Фарзанди камолини уйлаган ҳар бир ота-она бола тарбиясига катта эътибор бериши лозим. Бу оила мустақамлиғига катта йул очади.

Аъзам ХОЛИҚОВ, Т.Н.Кори Ниёзий номли Ўзбекистон педагогикаси фанлари илмий-тадқиқот институтининг бўлим мудири.

«Ишонч» устахонаси Турли мосламалар



Ҳаваскор деҳқонларга НАМАКОБГА СОЛАНГИЗ...

Деҳқончилик асбоб-анжомларнинг умрини узайтириш, улардан унумли фойдаланишга эришиш учун аввало анайлаб-асрашга катта эътибор бериш талаб этилади. Кетмон, белкуррак, хасқаш ва бошқа асбоблар ишлатилиб бўлишгач, дойдан тозалаб қуруқ жойга қўйиб лозим. Агар зах, нам тортилган жойга қўйилса, асбоблар зангилди. Ишлатиш пайтида ноқулай ҳолага келади. Охир-оқибатда муҳаббатданананча эрта эрта умир қисқаради. Иш қуролини чунончи, белкуррак, теша, шичоқни намақобла 30 минут тутиб, уст қисмининг артамай харқан зарур. Ана шунда анжомларнинг пўлати ёмон бўлса ҳам уларни тезда ўткирлаш мумкин.

ДУБ ПЎСТЛОГИ

Қишлоқ хужалик маҳсулотларини асраш ва ташинида қопларнинг аҳамияти катта. Бирок, маълум вақт утгач қоплар тешилади, йиртилади. Охир-оқибатда яроқсиз ҳолага келиб қолади. Хуш, бундай нохушлиқнинг олдини олса буладими? Қоп умрини узайтириш учун нима қилиш керак? Бунинг учун дуб пўстлогидан фойдаланиш лозим. Бир қақир сувага 0,5 кг дуб пўстлогини солиб, қайнатилгач, қонда намланган суғи қуришиб олинади.

1 стакан майиз (да-наги олинган), иккита лимон пўсти, бир стакан грек ёноғи ва бир стакан ўрик туршига -ҳаммаси туйиб ичилади. Янчилаган массани 1,5 стакан май асалига қориштирасиз. Тайёр бўлган масса болага бир кунда уч маҳал - овқатдан бир соат олдин бир чой қошиқдан берилади. Муложа шундай давом эттирилади. Лекин аллергиясиз боларга бу муложа тавсия этилмайди. Маъмура ДЎСИРОВА тайёрлади.

Дилфуза энди овқатга унаётган эди. Куча дарвозасининг очилиб-ёпилигани эшитилди. «Муслима бўлса керак, - уяйлади у, - ишқилиб ошхонага кирмасин».

Дилфузанинг уйлагани бўлмади. Қайсинглиси Муслима ҳар доимги одатини қанда қилмай, бошини ошхонага суқди. — Ҳорманг, янга, нима овқат?

— Э, саломат бўлинг, нима қилай?

Муслима келиноийсининг саволини жавобсиз қолдириб, ёғи тутавтган қозонга куз ташлади. — Вой бу, янга, ёғи намуна куп.

— Йўге, унчаликмаску, 2 қошиған чикмайди, унинг устига гуштсиз овқат бўлса...

— Барибир куп, ҳозир ёғ тақчил пайтда, ярминчи олиб қўйинг. Дилфуза қайсинглисининг айтганини қилиб, ёғнинг ярминчи олиб, ёғ идишга қайтариб қўйди. Муслима қандай шитоб билан кирган бўлса, шундай шитоб билан чиқиб кетди.

Дилфузанинг яна хуноби ошди. Қайфияти тушиб кетди. «Тавба нега булар бунақа-а, ё ҳамма-нинг қайсинглисини шунақамикан? Мендан ҳаммаси 5-6 ёш кичик. Лекин узларини ақлли санаша-

ди. Қачон қарасанг-аҳвол шу: «янга, пивэни куп соласиз?»», «ёғи мунча куп», «нега кам сут соғасиз?» Улар қилиб юрган шу юмушларни менам уйда қилганман. Қиз боланинг ота-онаси яқинига тушгани ёмон буларкан.

Овқат пишишига яқин меҳмон келди. Бу қўшни маҳаллага тушган Феруза-Муслиманинг опаси эди. У

Мулоҳаза, тақлиф

...ЧИФИРИҚДАН ТАШҚАРИ

янғаси билан саломлашиб онаси утирган уйга кирди. Дилфуза дастурхон ёзиб, қосадаги овқатларни дастурхонга қўйди. Қайнонаси рангсиз овқатга ноҳуш қараб қўйди. Феруза қошиқ билан овқатни қовлаштирди. — Гушт тугадими, ойи? — Ҳа, анча бўлди, деди ойисиз, овқатни истар-истамас ичаркан. Феруза бир чеккада қимтинди утирган янғасига бир қаради-да, яна онасига юзланди. — Икки кило гушт ташлаб кетганимга ҳеч қанча бўлгани йўгу дарров тугатиб қўйдингларми? — «Тежаб тергаган ҳам менчалик булар, ёғ куп кет-

масин деб тушлиқиям, кечки овқатини бир йўла бир марта купроқ қиламан, гуштни куп қурсатиш учун суёқ овқатга нуҳатдай-нуҳатдай туграб соламан, буларга яна нима керак ўзи?

Дилфузининг бугўзига ни-мадир тикилгандек бўлди. Эрталабдан туз тотмаганига қарамай, овқатга қўл урмади.

ни аяб утирмайди», деб онангизга ақл ўргатиб кетишади. Нима, булар менинг иззат-нафсимга тегмайдики ёки мен шунчалик ношудманми? Шундай дед Дилфуза йўғлаб юборди. Шу воқеадан куп ўтмай, у уйига кетиб қолди.

Аваллари «мана булар севишиб турмуш қуришганди, лекин ажраб кетишди нафси топталган, ношуд-эписизга чиқарилган келин бовқиб уриш-жанжал чик-масин деб, қайсингилларига, қайн-эғачиларига гап қайтармайдди. Уларга бир нарса деса, қайнонасидан балога қолишини билган келин бор аламни эридан олади. Турмуш урғоғи ту-шунса хўп-хўп, тушунмасачи? Охир-оқибатда гиди-бидилар, жанжаллар бо-риб-бориб эр-хотиннинг бир-бирини совишига, аж-раб кетишига олиб келади. Ахир шундай оилалар камми - эри билан яхши бўлиб, унинг оиласидаги-лар билан чиқшолмай, уйига кетиб қолган келин-лар оим эмас. Шунинг учун доим бир нарсани уйлай-ман. Ёш оиланинг мустақ-камлашиб боришига ёки ақ-синча емирилишига атроф-дагилар сабабчи бўлмас-микан? Янги муҳитга ўси-сиз ҳам ўрганиши қийин ке-чаётган келини «ўтирса ўпоқ, турса супоқ» деввер-масдан ўз холига қўйилса, билмаганини чиройли қи-либ тушунтирилса, «қар-еикки қўлдан» деганларидек оила чироғи ҳеч қачон сун-майди.

Барно СУЛТОНОВА.

